Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 161 (7. 250) ◉ 1990 йил 19 июль, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети аъзоси этиб сайланди

# Бош йўналишда



**◉ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съезди ўз ишини якунлаши билан унда сайлаб қўйиладиган марказий органлар таркибига илк бор кирган кўпгина коммунистлар ҳаётида янги босқич бошланди. Бу юксак ишончга сазовор бўлганлардан бири Тошкент алоқа электротехника олийгоҳининг ректори Ж. Абдуллаевдир. У съездда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб сайланди.**

**— Жўра Абдуллаевич, Сизни КПСС Марказий Комитети аъзоси этиб сайланганлигингиз муносабати билан муборакбод этамиз. Сизга бир неча саволлар бермоқчи эдик. Биринчи саволимиз анъанавий: съезд Сизда қандай таассурот қолдирди?**

— Мен КПСС XXVIII съездига таклиф қилиниб, унинг ишида иштирок этдим. Мен коммунистларнинг — улар қайси дастурни қўллаб-қувватлашларидан қатъи назар — куч-ғайратларини бирлаштириш съезднинг асосий вазифаси деб ҳисоблаган эдим. Гап шундаки, айрим коммунистларнинг партиядан ихтиёрий чиқишлари баъзи бировларга XXVIII съездда КПСС бўлиниб кетиши мумкин, деган фикрлар билдиришга сабаб бўлди. Бу тоифа кишилар ҳатто ушбу анжуман партиянинг сўнгги съезди бўлади, дейишгача бориб етдилар.

Шу боисдан съезд бу кароматларни чиппакка чиқарганлигидан мамнуният ҳосил қилдим. Делегатларнинг аксарият кўпчилиги М. С. Горбачев томонидан таклиф этилган ва ўзи бошчилик қилаётган асосий йўналишни қўллаб-қувватлашди. Менимча, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки худди шу етакчимиз қайта қуриш ташаббускори бўлди. Албатта ҳар қандай янгиланиш, демократик ўзгартишлар қийинчиликларга дуч келади. Айниқса бизнинг мамлакатимиз кўламида бирор бўғиндаги хатолар умумий йўналиш тўғри бўлса-да воқеалар ривожида салбий натижаларга ҳам олиб келиши мумкин. Ҳаммамизга маълумки жумҳуриятимиздан КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайланган коммунистлар Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида қайта қуришни қўллаб-қувватлаш, ўзларининг куч-ғайратларини партияни жипслаштиришга қаратиш наказини олдилар. Делегациямиз худди шу бош йўналишда фаоллик кўрсатди.

Съезднинг биринчи кунларида қайта қуришни ва уни бошлаб берган Бош котибни обрўсизлантириш хатти-ҳаракатлари ҳам бўлди. Лекин Марказий Комитетнинг йўли тўғри эканлигини ҳаёт яна бир марта тасдиқлади. М. С. Горбачевнинг яна КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби қилиб, унинг ўринбосари қилиб эса В. А. Ивашко сайланганликлари, партиянинг келажакдаги фаолияти аниқ белгилаб берилган қатор резолюцияларнинг қабул қилиниши ҳам бунинг далолатидир.

Ўз таассуротларим тўғрисида гапирар эканман, съезддаги юксак демократик руҳни таъкидламай ўта олмайман. У барча делегатларнинг ўз фикрларини очиқ баён қилишларидагина акс этгани йўқ. Маълумки, КПСС Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳаларини муҳокама қилиш даврида кўпдан-кўп таклиф ва мулоҳазалар билдирилган эди. Бундай таклифлар бевосита съездда ҳам билдирилди. Съездда қабул қилинган ҳужжатлар партиянинг ана шу жамоа фикри самараси бўлди. Буни қабул қилинган ҳужжатларни дастлабки лойиҳалар билан таққослаш яққол кўрсатади. Шуни айтиш кифояки, КПСС Устави тўрт марта қайта ишлангандан сўнг қабул қилинди.

Мен ўзим учун яна бир муҳим воқеага тўхталмоқчиман. 9 майда «Правда» рўзномасида менинг Устав ва Ҳаракат дастури лойиҳалари бўйича таклиф ва мулоҳазаларим баён этилган хатим босилиб чиқди. Унда мен бу таклифлар рад этилган тақдирда нима учун рад этилганлиги сабаблари тушунтириб берилиши керак, деб ёзган эдим. Бу демократиялаш ва ошкоралик йўлида янги қадам бўлган бўларди. Съездда эса ишнинг худди ана шу шакли танланди. Таҳририят комиссияларининг раислари у ёки бу таклиф нима учун қабул қилинганлиги ёки рад этилганлигини тушунтириб бердилар. Илгари бундай бўлмасди. Бундан мен эндиликда бизнинг фикрларимиз ҳисобга олинаётганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Раҳбар партия органларини сайлаш ҳам демократик усулда бўлди. Хулоса қилиб айтганда, партиянинг XXVIII съезди КПССнинг қайта қуриш талабларига мувофиқ янгиланишга ҳозирлигини билдирди.

**— Съезддан кутган қайси умидларингиз рўёбга чиқмади?**

— Умуман умидларим рўёбга чиққанлигини айтмоқчиман. Тўғри, баъзи масалаларга тўла равшанлик киритилгани йўқ. Биринчи навбатда съездда миллатлараро муносабатлардек ғоят муҳим масалага етарли даражада аҳамият берилмади, деб ҳисоблайман. Болтиқбўйи, Ўрта Осиё, Кавказ орти минтақаларида рўй бераётган жараёнлар чуқур таҳлил этилмади. Эҳтимол, у ушбу жойларда рўй бераётган ҳодисалар ҳақида муфассал ахборотга эга бўлинмаганлиги оқибатидир. Шунга қарамасдан буни эътибордан четда қолдириб бўлмасди.

Бозорга ўтиш масаласига ҳам аниқ равшанлик киритилмади. Бозорсиз мамлакатимиз халқ хўжалиги инқироздан чиқа олмаслиги тушунарлидир. Лекин менинг тасаввуримда, съездда жамиятимиздаги ҳозирги шароитларда бозорга ўтиш моҳияти янада чуқурроқ очиб берилиши керак эди. Бунда бизнинг бозоримизнинг Ғарб бозоридан фарқи тушунтириб берилиши лозим эди.

Учинчидан, мен фан-техника тараққиёти муаммоларининг муҳокама этилишидан ҳам қониқиш ҳосил қилмадим. Фан-техника тараққиёти ютуқларини халқ хўжалигига кенг жорий этмасдан, улардан фойдаланмасдан фан ва ишлаб чиқаришда олдинги марраларга чиқиб олишни экология муаммолари, Оролбўйи муаммоси ечимларини жадаллаштиришни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Бироқ бу йўналишда ҳам устун масалалар аниқ белгилаб берилмади. Бундан бошқа яна баъзи масалалар ҳам эътибордан четда қолди.

**— Лекин балки партия бу масалаларга аралашмагани маъқулдир. Акс ҳолда уни яна партияга хос бўлмаган ишлар билан шуғулланишда айблашлари мумкин.**

— Бу фикрингизга қўшила олмайман. Партия масаланинг техникавий ва маъмурий томонини ўз зиммасига олмаслиги керак. Яъни қабул қилинган қарорларни амалга оширишга бевосита аралашиши мақсадга мувофиқ эмас. Бироқ у бу ишлардан ўзини четга ола олмайди. Партия фан-техника тараққиётининг бош йўналишларини белгилаб бериши, бу соҳадаги ўз сиёсатини аниқлаб олиши зарур. Чунки биз иқтисодиётни сиёсатдан, мафкурадан узиб ташлай олмаймиз. Шу сабабли партия мамлакат ҳаётига тааллуқли асосий масалаларни ўз диққат-эътиборидан четда қолдирмаслиги лозим.

**— Жўра Абдуллаевич, Сиз партиянинг ривожланиши тўғрисида нима дея оласиз. КПССнинг келажагига ишонасизми?**

— Бу масалага менимча, съезднинг ўзи аниқ жавоб берди. Анжуман барча оқимлар ва дастурларни жипслаштириш муҳитида ўтди. Бу энг асосийсидир. Лекин энди бамайлихотир бўлавериш мумкин, деган хаёлга бориб бўлмайди. Агар коммунистлар томонидан олиб борилаётган тарғибот, мафкуравий иш иқтисодиётда, ижтимоий соҳада яхшилик томон аниқ силжишлар билан мустаҳкамланмас экан, партия амалда ўзининг авангардлик ролини тасдиқлай олмайди. Унинг обрў-эътибори худди шу амалий ишларга боғлиқ. Буни жумҳуриятимиз партия ташкилотининг мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон Компартиясининг нуфузини қуйидаги рақамлар яққол исботлаб турибди: кейинги бир ярим йил мобайнида Ўзбекистонда партияга 22 минг киши аъзо бўлди. Унинг сафидан эса 1570 киши чиқди. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов Москвада бўлиб ўтган матбуот конференциясида айтди. Ўзимиз ҳам кейинги пайтларда ҳамюртларимиз кайфияти анча кўтарилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу сўнгги вақтда қабул қилинган жуда муҳим қарорлар: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Вазирлар Кенгашининг ер тўғрисида, уруш ногиронлари ва кексаларига имтиёзлар, талабалар турмушини яхшилаш тўғрисида ва бошқа қарорлари билан бевосита боғлиқдир. Халқ партия етилган муаммоларни ҳал қилишга амалий киришганлигини, у жамиятда чинакамига етакчи ва асосий куч эканлигини кўриб турибди.

**— Жўра Абдуллаевич, эндиликда Сиз КПСС Марказий Комитетининг аъзосисиз. Сизнинг фикрингизча, бу сайлаб қўйилган марказий партия органи аъзоларининг асосий вазифалари нимадан иборат?**

— М. С. Горбачев съездда сўзлаган якунловчи нутқида эндиликда барча партия комитетларига, оддий коммунистларга съезд қарорларини, партия янги Уставининг моҳиятини етказиш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Биз съездда қабул қилинган ҳужжатларга мувофиқ меҳнаткашлар ўртасида олиб борадиган мафкуравий ишларимизнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб олишимиз керак. Москвадан қайтиб келгандан сўнг олдимизга ана шу вазифаларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримов ҳам қўйди. Бу албатта КПСС XXVIII съезди барча делегатлари ва қатнашчиларининг ишидир. Лекин биринчи бор ана шундай демократик асосда, ошкора сайланган КПСС Марказий Комитетининг аъзолари жойларда фаол тушунтириш ишлари олиб боришлари, ўз фаолиятлари билан Марказий Комитет қарорларининг бажарилишини таъминлашлари керак.

Бундан ташқари қатор муҳим вазифаларни ҳал этишга кўмаклашишни ҳам ўз бурчим деб ҳисоблайман. Жумладан, жумҳуриятда, айниқса ўрта мактабда таълим-тарбия савиясини тубдан кўтаришга қаратилган жиддий, кенг кўламли дастур ишлаб чиқиш зарур. Бунда мактаблар ўқитишнинг техникавий воситалари, компьютерлар билан тўла таъминланиши лозим. Бу йўналишда биргина халқ таълими ходимларинигина эмас, барча мафкуравий идоралар, Советлар куч-ғайратларини ҳам бирлаштириш керак бўлади. Жумҳуриятда алоқани ривожлантириш, такомиллаштириш сифатини ошириш учун алоқа корхоналари, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, саноатнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам мен учун муҳим масалалардан биридир. Шунингдек, узлуксиз автомат назоратни, масалан, атроф-муҳит билан боғлиқ объектларни, Оролбўйи муаммоси ечимини назорат қилишни ташкил этиш учун истиқболли сунъий йўлдошли алоқа системаларидан фойдаланиш ишларини давом эттириш даркор.

Очиғини айтсам менга КПСС Марказий Комитети аъзоси бўлишдек юксак ишонч билдирилишини кутмаган эдим. Бу муайян даражада бутун Тошкент шаҳар партия ташкилоти фаолиятига берилган баҳо деб ҳисоблайман. Бу шахсан мендан ва барча коммунистларимиздан ишончни оқлашни талаб этади. Шунинг учун Марказий Комитет Пленумларида муҳим, принципиал масалалар муҳокама қилинаётган пайтда жим туришга ҳаққим йўқ. Умуман мен илгари ҳам ўз нуқтаи назаримни яширмаганман. Афтидан Марказий Комитетда кўп иш қилишга тўғри келганга ўхшайди. Хуллас, катта ишончни катта меҳнат билан оқлаш лозим.

**— Сиз ўзингизга боғлиқ ҳамма ишни қилишингизга ишонамиз. Лекин, Жўра Абдуллаевич, Сизнинг КПСС Марказий Комитети аъзоси этиб сайланишингиз қўшимча қийинчиликлар туғдирмайдими? Ахир Сиз Тошкент шаҳар Советининг депутатисиз, Тошкент область партия комитетининг аъзосисиз, «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг раисисиз. Бунинг устига Сиз минтақамиздаги энг йирик алоқа олийгоҳининг ректорисиз...**

— Нима демоқчи бўлаётганлигингизни тушуниб турибман. Биринчидан, мен худди ана шундай вақт тиғизлигида ишлашга одатланиб қолганман. Иккинчидан ва энг муҳими — ўз кучинг ва вақтингни оқилона тақсимлай олишинг зарур. Масалан, мен ўн тўрт йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган олийгоҳда бошқарувда аниқ қоидалар таркиб топган. Бу ерда ҳар ким ўз иш йўналишига жавоб беради. Шунинг учун мен қандайдир хусусий масалаларни ҳал қилишга камдан-кам ҳолларда аралашаман.

Депутатлар комиссиясида, «Билим» жамиятида жамоат ишлари билан шуғулланганимда эса малакали, ўз ишларини биладиган одамлар билан ишлайман. Шунинг учун уларга ишларни ишониб топшираман.

Албатта олийгоҳ ва жамоатчилик иши амалда бутун кучимни ва вақтимни эгаллайди. Шунга қарамасдан кун тартибимга: эрталаб жисмоний тарбия, кечқурун 5 километргача спорт юриши билан шуғулланишга вақт топаман. Афсуски, кинода, театрда, концертларда кам бўлишга тўғри келади. Лекин имконият бўлган пайтда бундай «маданий юриш»ларда албатта қатнашаман. Ўз-ўзидан тушунарлики, рўзнома, журналлар мутолаа қилиш, телевизор кўришга ҳам вақт топаман. Бусиз ўз даврингдан орқада қолиб кетишинг турган гап. Бу эса менинг қоидаларимга зид. Умуман бундай қилмасликка ҳуқуқим ҳам йўқ. Зеро, менга жуда кўп нарса ишонилган...

Суҳбатдош Л. ПАРПИЕВА.

## Тонгги рўзномаларда

**◉ КПСС XXVIII съезди тасдиқлаган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави берилган.**

**◉ Жумҳуриятимизда КПСС XXVIII съезди делегатларининг меҳнаткашлар, жамоатчилик вакиллари билан учрашувлари бошланди. Илгари хабар қилинганидек 17 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти, КПСС XXVIII съездининг делегати И. А. Каримов республика партия фаоллари билан учрашди. Бугун тонгги рўзномаларда унинг учрашувда сўзлаган нутқи қисқартириб эълон қилинган.**

**◉ Ўрток В. А. Медведевни СССР Президентлик кенгаши аъзоси этиб тайинлаш тўғрисида СССР Президентининг Фармони берилган.**



◉ ГАЗЛАМАЧИ. Тошкент тўқимачилик комбинати 3-филиалининг илғор калаваловчиси Зарифа Толтаева. Т. Каримов сурати.

Эртага—Иккинчи Яхши ният ўйинлари бошланади

# Жаҳон нигоҳида — Сиэтл

**◉ ЭРТАГА Сиэтлда Иккинчи Яхши ният ўйинларининг тантанали очилиши бўлади.** Ҳа, бундай ўйлаб қараганда гўё кечагина 80 мамлакатнинг 3000 дан зиёд спортчиси Москвада беллашган эди. Ҳаш-паш дегунча 6 йил ҳам ўтиб кетибди. Бугун эса Иккинчи ўйинлар бошланиш арафасида. Ушбу жаҳоншумул беллашувларни ойнаи жаҳон орқали намойиш қилиш учун Ти-би-эс телекомпанияси бутун асбоб-анжомларини шай қилиб қўйибди.

Иккинчи ўйинларнинг ижрочи директори Роберт Уэлшем мусобақалар 72 минг ишқибозни ўз ичига сиғдирадиган Вашингтон штатининг дорилфунуни ўйингоҳида ўтказилажагини таъкидлади. Унда яна тўрт янги спорт тури — шайбали хоккей, синхрон сузиш, чавандозлик ва шахмат бўйича мусобақалар ўтказилади.

«Оила ва жиноятчилик» семинарида қатнашиш учун Ўзбекистондан Сиэтлга бир гуруҳ ҳуқуқшунослар жўнаб кетишди. Бу ташаббус ҳам Яхши ният ўйинлари доирасида ташкил қилинди.

Бундан ташқари, ўйинларнинг катта маданий дастурида жумҳурият театр арбоблари уюшмаси қошидаги «Ўзбекистон» театр-студия жамоаси ҳам иштирок этади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир Мўминов раҳбарлик қилаётган ушбу ижодий жамоа яқиндагина ташкил топди. У бадиий-ижодий жамоалар фестивалида қатнашиб, Сиэтл ва Сан-Францискода концертлар беради. Уларнинг дастуридан фарғонача, бухороча, хоразмча ва қорақалпоқча услублардаги ўзбек халқ ўйинлари ва СССР халқларининг рақслари ўрин олган. Биродарлашган шаҳар миллий санъати билан танишишга чанқоқ бўлган сиэтлликларда бизнинг концертларимиз катта қизиқиш уйғотишига аминмиз. Яна жаҳон санъат аҳлига яхши таниш бўлган катта балет, Монреалнинг «Циркю ду Солиел» ва Москва цирклари, Шостакович квартети, Япониянинг машҳур «Кабуки» театри ва бошқа ижодий жамоалар ҳам ўз санъатларини намойиш қилиш учун Сиэтлга ташриф буюришади.

## Омад ёр бўлсин!

◉ Тошкент билан биродарлашган Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳрида эртага бошланадиган Иккинчи Яхши ният ўйинларида қатнашиш учун танлаб олинган мамлакатимиз спортчилари орасида ўн бир нафар жумҳуриятимиз вакиллари ҳам бор. Улар билан танишинг: Радион Гатаулин (лангарчўпда сакраш), Марина Шмонина (400 метр масофага югуриш), Виктор Зайцев (найза улоқтириш), Сергей Усов (тўсиқлар оша югуриш), Сергей Заболотнов (100 ёки 200 метр масофага чалқанча сузиш), чарм қўлқоп усталаримиз — Артур Григорьян, Игорь Бунин; Махарбек Хадарцев билан Арсен Фадзаев эса эркин кураш беҳсларида қатнашадилар. Шаҳрисабзлик И. Буниндан ташқари барча спортчилар шаҳримиз вакилларидир.

Мутахассисларнинг фикрича, Олимпиада, жаҳон ва Европа биринчиликларининг ғолиблари — Заболотнов, Гатаулин, Шмонина, Хадарцев ва Фадзаевларнинг ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғоналарига кўтарилишлари учун барча имкониятлар етарли. Биз спортчиларимизга омад тилаймиз ва Яхши ният ўйинлари ғолиблари қаторидан ўрин олишларидан умидвормиз.

Д. ИСРОИЛОВ.



◉ СИЭТЛ. СУРАТЛАРДА: шаҳардан 100 миля масофадаги Рейнар тоғининг кўриниши; усти ёпиқ стадион.

Р. Шарипов суратлардан олган нусхалар.



## Дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди

**◉ ТОШКЕНТ шаҳар Совети ижроия комитети ташқи алоқалар бўлими ташаббуси билан Яхши ният ўйинларига бағишлаб Тошкент— Сиэтл комитети фаоллари ёрдамида бир қатор ёпиштириладиган безакли белгилар ишлаб чиқарилди.** Улар 3 хил кўринишда тайёрланди ва барчаси Сиэтл шаҳрига жўнатилади. Халқ ижодини ривожлантириш, маданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жамоатчилик асосида ташкил топган янги халқаро ижодий ташкилот — Шарқ маънавий мероси академияси ҳам бу ўзига хос совға буюмларини бепул тайёрлашда катта ҳисса қўшди.

1989 йил июль ойида «Интурист» маданий-ахборот марказида Тошкент ва Сиэтл график рассомларининг қўшма кўргазмаси намойиш қилинган эди. Шу йил 2 августда Ўзбекистон мусаввирларининг тасвирий санъат намуналарининг савдо-кўргазмаси Сиэтлнинг бадиий суратлар галереясида очилади. Ушбу санъат даргоҳининг соҳиби Сэм Девидсеннинг ўзи яқинда жумҳуриятимизга келиб, кўргазмада намойиш этиладиган ишларни танлади. Кўргазмада иқтидорли мусаввирларимиз А. Турдиев, А. Нуриддинов, Л. Даватц, М. Содиқов, Ч. Аҳмаров ва Д. Усмоновларнинг ижод намуналари намойиш этилади. Сэм Девидсеннинг айтишича, уни мусаввирнинг машҳурлиги эмас, балки қадимги тарих ва замонавий ҳаёт ҳаққоний кўрсатилган суратлар қизиқтиради. Ҳа, бундай маданий алоқалар жаҳон санъати ва маданиятининг бойишига, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

## Нашриёт совғаси

**◉ ҒАФУР Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида 5 минг нусхада чоп этилган янги альбом «Тошкент—Сиэтл» деб номланган.**

Ушбу альбом бир вақтнинг ўзида ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашрдан чиқарилган бўлиб, Тошкент ва Сиэтл шаҳарларининг дўстлиги, уларнинг биродарлашиш тарихи ҳақида тўла маълумот беради. Ушбу дўстлик Совет—Америка халқаро алоқаларида муҳим роль ўйновчи халқ дипломатияси доирасида вужудга келди ва ривожланди.

Альбомдан биродарлашган шаҳар Сиэтлнинг суратқашлари тақдим қилган ажойиб суратлар ўрин олган. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу альбомнинг бунёдга келишида ўша пайтдаги Сиэтл-Тошкент комитетининг раиси Розаина Ройер ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Мирсаидовларнинг ҳиссалари каттадир.

Уй-жой қурилиши — «Оқшом» назоратида

# «ЎРИКЗОР» ИМОРАТЛАРИ

**УЛАР ШАХСИЙ УЙ ҚУРУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ТИКЛАНМОҚДА. ЛЕКИН ЎЗ МАБЛАҒИГА, ЎЗ КУЧИ БИЛАН БИР БОШПАНАНИ ҚАД КЎТАРТИРИШ ЖУДА ОҒИР КЎЧЯПТИ.**



Ҳандақ кавланди, бетон йўқ.



Пойдевор тикландию, энди ғишт йўқ.



Амал-тақал қилиб девор ҳам кўтарилди, бироқ иморат устини ёполмай бош гаранг!

Т. Каримов суратлари.

Икки ёнлама тош йўлнинг шундоқ чап биқинида оломоннинг олағовури авжида. Отлар кишнайди, эшаклар ҳанграйди, машиналарнинг ингичка-йўғон «дуд-дуд»лари қулоқни қоматга келтиради. Бир аёл билан бели букчайган мўйсафид қаттиқ-қаттиқ баҳслашаяпти:

— Ҳой, онаи навжувон, болаларинг кўплигини биламан. Ахир, навбат меники эдику. Лоақал оппоқ соқолимни ҳурмат қилсангчи...

— Отахон, бекорга ранжияпсиз, — босиқлик билан эътироз билдирди жувон, — тахтанинг ҳар кубметрига ўн сўмдан тўлаб, аёл ҳолимга ўзим олиб келдим. Эркаклар ишда бўлса... Жўжабирдай жонмиз. Бу алпозда қишда аҳволимиз не кечади? Сиз эса менинг навбатим дейсиз... Кучингиз етса зуғумингизни анави кеча ер участкаси олиб, бугун томини бекитаётган бойваччаларга ўтказинг...

Кексани шаштидан туширмоқчи бўлиб гапга аралашдим:

— Янги бозор муборак! Нима, нархини келишмаяпсизларми? Ўзим муросага келтирайми, отахон?

— Нима? — отанинг чинакамига жаҳли чиқди. — Қанақа бозор? Бир кило пиёз учун Эски Жўвага қатнаяпмизу... Э, бориб ғиштингни терсангчи, болам. Бу ерни «Ўрикзор» дейдилар, «Ўрикзор»...

— Мен, отахон, сангир эмас, мухбирман.

— Мухбир бўлсанг, ана, Шоҳистахон билан сўзлаш, ҳаммамизнинг дардимизни ўша билади.

Одамларнинг зич ҳалқаси ичра қизариб-бўртиб турган аёлга яқинлашдим. Бу ёшгина жувон Шоҳистахон Абдуллаева экан. Оломон уни гап билан «тошбўрон» қиларди:

— Менинг ғиштим қани?

— Цементни қачон оламан?

— Тахта бўладими, йўқми?

— Тупроқ керак, тупроқ!

Қайси бир шартаки йигит: «Бу кишн навбатни адашиб пулга алмаштириб юборадилар» деб қолди. Шусиз ҳам кўнгли тўлиб турган Шоҳиста кўзига ёш олди. Дарҳол унга яқинлашдим. Ҳаммага эшиттириб, ўзимни таништирдим. Одамлар жимиб қолишди. Шундан кейингина аламли суҳбатимиз осойишта изга кўчди.

— Менда айб йўқ, —деди Шоҳиста ўксиниб, — даҳамизда 2000 хонадон янги турар жой қураяпти. «Ўрикзор» ҳозир учта участкага бўлинган. Шуларнинг биринчисига аҳолининг ўзи мени бошлиқ қилиб сайлаган, 2-участкага Раънохон, 3-участкага Гавҳар опам раҳбарлик қилишади. Вазифамиз 3-завод етказиб берадиган ғиштларни, Сергели, Чуқурсой ва «Рисовой» базаларидан келадиган ёғоч ва шиферларни қатъиян навбатга мувофиқ шахсий уй қураётганларга тарқатишдир. Ҳаммамиз жамоатчилик асосида халққа бепул хизмат кўрсатаяпмиз. Ебичиб қўйган жойимиз йўқ. Ўзим уй бекаси бўлганим учун шу ишни зиммамга ола қолувдим. Бунинг устига биз ҳам янги уй қураяпмиз, бошқалардан ортиқ ҳатто бирор дона ғишт ҳам олган эмасман. Аксинча, баъзи бировларнинг ўринсиз дашномлари кишини жонидан тўйдирворди. Тушунаман, ҳаммасига қурилиш материалларининг камомадлиги сабаб.

— Аҳвол чатоққу...

— Ҳар қалай, бу мавсумда ишлар бир мунча юришиб кетди. Ўтган йилги муаммоларни кўрганингизда эди, ҳайратдан тилингиз калимага келмай қоларди. Бир машина сувни 25 сўмга олиб, хом ғишт қуйиш учун лой тайёрлардик. Ичимлик сувини ҳам сотиб олардик. Лампа шиша ёруғида ёки машъала атрофида кечки овқатни тановул қилиб, элбурутдан ётиб олардик.

— Минг қатла шукурким, — дея суҳбатга пенсионер Неъматилло ота Носиров аралашди, — Президентимизнинг бевосита аралашувлари туфайли даҳамизга электр симлари тортилди, йўллар асфальтланди; сув келтирилди, автобус ва маршрут таксилари қатнови йўлга қўйилди, магазинлар, ошхоналар қурилди, сартарошхона, болалар ўйин майдончалари ишга туширилди. Давлатимиз раҳбаридан ҳаммамиз миннатдормиз.

— Тўғри, — деди дурадгор Абдуғофир Эминов. У Неъматилло отанинг куёви экан,—Ўтган йил 5 августда ўртоқ И. А. Каримов билан даҳамизда бўлиб ўтган учрашувдан кейин ишлар юришиб кетувди. Аммо бу йил қурилиш материаллари таъминоти кескин камайди. Бунинг устига баъзи қабул қилинган қарорлар вақтида бажарилмаяпти. Ўзимиздан қиёс: менга ер участкаси ажратиб бериш ҳақидаги қарор бултур ноябрь ойида чиқарилган эди. Ерни эса шу йил май ойида ахлатхонанинг нақ ўртасидан ажратиб беришди. Майдонни ахлатдан тозалаб, уни зичлаганумизча жонимиз ҳалқумимизга келди. Акс ҳолда ер чўкиб, бутун сарф-харажатимизнинг бир чақалик нафи қолмасди.

Неъматилло ота яна луқма ташлади:

— Қарорни биздан бир неча ой кейин олган баъзи шахсларга энг тоза жойлардан ер ажратиб берилди, улар қурилиш материалларини ҳам тез топишаяпти. Баъзи узун қулоқ гапларга қараганда ўша тўралар ерни, қурилиш материалларини «шапка»лари билан беришар эмиш...

Одамларнинг чеҳрасига қарайман, сарғайган ўрик япроқларидай заҳил, юзларга, киприкларга чанг ўтирган, жисмоний иш машаққатидан, уйқусизликдан баъзиларининг тиззалари букилиб-букилиб кетаяпти. Ҳаммада битта истак: ёғин-сочинли кунларгача тезроқ томни кўтариб, иморатни бекитиб олиш керак. Аммо... Эҳ, шу «аммо»си қийнайдида кишини. Яна дилдаги дардлар қайнаб тилга чиқади.

— Бултурги йилда, — дейди Шоҳистахоннинг ёрдамчиси Ҳадича Аҳмедова, — кунига 60—70 минг дона ғишт олиб турувдик. Бу йил эса 15—16 мингдан ошмаяпти. Бунинг сабаби шундаки, шаҳар бўйича ҳозир саккизта даҳада шахсий турар жойлар қурилаяпти. Мавжуд ғишт заводлари жуда катта ҳажмдаги қурилишларга ғишт етказиб беролмаяпти. Шунинг учун ҳам «Сомон бозор»да ғиштнинг минг донаси илгариги 70 сўм ўрнига 180 сўмга кўтарилиб кетди. Тағин қанақа ғишт денг, бузилган уйлардан чиққан тенг ярми синиқ эски ғиштлар. Ўшани ҳам топиш бугунги кунда амримаҳол бўлиб қолди.

— Илтимос, мухбир ака, — деди педагог, томи чала кўтарилган 390-бино соҳиби Басриддин Каримов, — цемент масаласини ҳикоятингизнинг бир жойига қистириб ўтинг, зора раҳбарлар ўқиб, бизларга озгина раҳмлари келса... Мана, қаранг: цементни қоплашга халтасига 50 тийиндан, артишга 10 сўм, бунга машина кирасини ҳам қўшинг, хуллас, бир тоннаси бизга 60 сўм ўрнига 113 сўмга тушади. Тағин унча-мунча уриб ҳам қолишади. Шу инсофданми, ахир! Бу қурилиш материаллари магазинини ҳеч тартибга солиб бўлмади-да!

— Бе, — деди 378-бино эгаси, Тошкент кино техникумининг ўқитувчиси Аҳмаджон ака Самиғов,— шу цементнинг топилиб турганига ҳам шукур қилсангчи, укам. Ёғоч материаллари анқонинг уруғи бўлиб қолди. Бултур, эсингда бўлса, ҳатто «Сомон бозор»дан сотиб олган эски ёғочларнинг ҳам БХСС ходимлари йўлини тўсиб, қаердан келтираяпсан, ҳужжати борми, дея тихирлик қилавериб жонимизга тегарди. Ўтган йил 5 августда шу дардимизни Ислом Абдуғаниевичга айтгандан кейингина бундай дилхираликлар барҳам топди.

— Бу йил эса, — дея гапни илиб кетди «Ўрикзор» қурувчиларининг Чуқурсойдаги қурилиш материаллари базасида жамоатчилик асосида хизмат қилаётган вакили, ТошДУнинг етакчи илмий ходими Илҳомжон Расулов, — ГАИ ходимлари йўлга тўсиқ қўйишяпти. Бошимдан ўтган бир воқеани гапириб берай. Базага ёғоч келганини эшитиб, оёқни қўлга олиб югурдим. Танлаган ёғочларимни бир жойга уйиб пулини тўладим, квитанция олдим. Аммо уни «Ўрикзор»га элтиш учун қани энди машина топила қолса, кўчада зир югуравериб, оёқларим толди. Ниҳоят бир эскироқ машинани тўхтатиб, ёшгина шофёрни отанг яхши, онанг яхши, дея 50 сўмга аранг кўндирдим.

Ҳаю ҳуйт деб, йўлга тушдик. «Миконд» заводи олдида бирданига ГАИнинг икки ходими тўхтатди, ўн сўм «жарима» билан зўрға қутилди шофёр бечора. Манзилга етиб келгунимизча инспекторлар яна уч жойда йўлимизни тўсишди. Ўн сўмдан тағин 30 сўм қулоғини ушлаб кетди. Шофёр йигитга бирам раҳмим келдики, қўлига яна ўн сўм тутқазувдим, олмади. «Янги уй қуриш нималигини биламан, бор-шудингиздан айрилиб, ҳали икки бармоғингизни бурнингизга тиқиб қоласиз. Инспекторларга келсак, улар ҳақ», деди. Эҳтимол, ГАИ ходимлари чиндан ҳам тўғри иш қилишгандир, бироқ «жарима»ларни олиб, нега квитанция беришмади?

— База раҳбарияти транспорт агентлигига буюртма берса бўлмайдими?

— Бу ҳақда жуда кўп гапирдик, — деди Илҳомжон қўл силтаб. — Лекин уларда ҳамиша битта жавоб: «Ёғоч ортилган вагонларнинг қачон келишини билмаймиз». Йў-ўқ, билишади, ўзларини ортиқча ташвишлантирмаслик учун шундай қилишади.

Гап шиферга келиб тақалганда «Висотстрой»га қарашли 11-қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси Абдурашид Назаров чидаб туролмади.

— Яқинда қўшним, — деди у, — 2 сўму 20 тийинлик шиферни 7 сўмдан сотиб олиб томини бекитди. Хўш, бизга ўхшаган «қўли калта»ларнинг кузда аҳволимиз нима кечади?

Менинг Шоҳистахон, Раънохон ва Гавҳар опаларга жуда раҳмим келади. Нега дейсизми? Шаҳар ижрокоми вакиллари ўтказган ҳар галги режалаштириш йиғилишида улар кунига 46 минг дона ғишт етказиб беришга ваъда қилиб кетишади. Бундан хабардор бўлган аҳоли мазкур вакилларимизни қўли эгриликда гумон қилиб, улардан ранжийди. Ваҳоланки, шу пайгача ҳали келтирилаётган ғишт миқдори 18 мингдан ҳеч қачон ошмаган. Ахир, ёлғон ваъданинг кимга кераги бор? Чиндан ҳам ғишт миқдорини билмаган кишилар участка бошлиқлари ҳойнаҳой ғиштларни «чапга» буриб юбораётган бўлса керак, деб ўйлаши турган гап.

Шу пайтгача жим турган 2-пойабзал фабрикасининг бригада бошлиғи, 1111-бино соҳиби Тоҳир Азизов суҳбатга қўшилди:

— Мен бир нарсага ҳайронман, — деди у,— нархи салкам 20 минг сўмлик 4 хонали бинонинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳаммамиз шахсий турар жойларни қуриш Бош дирекциясидан 42 сўмдан сотиб олганмиз. Ўтган йили И. А. Каримов билан бўлган мулоқотда ҳукуматимиз бошлиғи Ш. Р. Мирсаидов шундай деган эдилар: «Биз аҳолини қурилиш материаллари билан тўла таъминлаш кучига эга эмасмиз. Шунинг учун шахсий уй қурувчилар имкониятлари даражасида уйларини ўзлари билган ва бобоколонларимиздан қолган лойиҳа асосида қураверганлари маъқул». Биз шу таклифга мувофиқ биноларимизни ўзимиз билганча тиклаяпмиз. Лойиҳачилар, ижроком вакиллари эса бизни эндиликда лойиҳани бузганликда айблаб юришибди, ҳатто баъзан келиб уйни бузиб ташлаймиз, деб дўқ-пўписага кўчишади. Биз бу ва бошқа шу хилдаги муаммолар масаласида Акмал Икромов район ижроия комитетига жуда кўп марта мурожаат қилдик. Лекин раҳбарларимиз келиб, ҳар гал ваъдалар билан қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб кетаверишади.

Бу ердаги баъзи қурилишларда суяги қотмаган болалар ҳам ишлашаяпти. Нима, ишчи кучи етишмаяптими, деб сўрашингиз мумкин. Ишчи кучи бор. У Чорсудаги мардикор бозорида. Аммо ғишт терувчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, ҳатто оддий мардикорларнинг ҳам яқинига йўлаб бўлмайди. Лойда ишлайдиганлар кунига 50—60 сўм, сувоқчилар ҳар квадрат метрига 5—6 сўм, оддий мардикорлар 25—30 сўмга ёлланишади.

Хуллас, муаммолар жуда кўп. Улардан энг асосийси— қурилиш материаллари таъминотини зудлик билан ҳал этиш. Бир машина тупроқ 20—25 сўмдан сотиб олинаяпти. Хўш, шу тупроқдан қуйилган хом ғиштнинг қиммати неча пулга тўғри келар экан? У пишган ғишт нархига яқинлашиб қолмайдими? Демак, яқин орада тупроқ карьерини ташкил этиш керак. Қолаверса, ёғоч материаллари, шифер ва фанерларни бевосита «Ўрикзор»даги қурилиш материаллари магазинининг ўзида сотилишини йўлга қўйиш зарур. Акс ҳолда бусиз ҳам жуда катта бўлган сарф-харажатлар ошиб бораверади.

Ахир, ер текислаш, ертўла кавлаш учун 3—4 экскаватор ва бульдозерларни, иккитагина кичик кўтарма кранларни бир мавсум давомида «Ўрикзор»га бириктиб қўйиш наҳотки шу қадар мушкул муаммо бўлса? Бундан давлат ҳам наф кўрган, шахсий уй қурувчилари ҳам ортиқча чиқимдан, ўша механизмларни топиш борасидаги сарсону-саргардонликдан халос бўлишарди.

Гапнинг пўскалласини айтганда «Ўрикзор»га амалий ёрдам керак! Дарвоқе, фақат «Ўрикзор» ёрдамга муҳтожми?

**Абдулла НУРИМОВ,**

**«Тошкент оқшоми» махсус мухбири.**

## МУШОҲАДА УЧУН ИККИ РАҚАМ

● 1989 йилда ҳамшаҳарларимизнинг ўзлари умумий фойдали саҳни 197,5 минг квадрат метрга тенг шахсий иморатлар қуриб олдилар.

● Бу ҳажмдаги уйлар давлат ҳисобига қурилганда 52 миллион 337 минг сўм пул сарфланишини талаб этган бўларди.



**МЕҲНАТ ҚИЛГАН — ЭЛДА АЗИЗ. Тошкент қурилиш материаллари комбинати халқ истеъмол буюмлари цехининг қуювчилар бригадаси бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Нина Николаевна Тимофеева.**

**Т. Каримов сурати.**

## Жумҳурият янгиликлари

### БУЮРТМАЧИЛАРГА ЖЎНАТИЛДИ

«Ўзбекхиммаш» заводи меҳнат аҳли Днепропетровск ва Мариуполь металлургия комбинатларига кучли турбокомпрессорлар етказиб бериш тўғрисидаги шартномани муддатидан деярли бир ой олдин бажарди. Заводда синовдан ўтказилган бу қурилма буюртмачиларга жўнатилди. Чирчиқлик машинасозлар жумҳуриятда биринчилардан бўлиб хўжалик ҳисобининг иккинчи моделига ўтдилар. Ўзини ўзи пул билан таъминлаш принциплари асосида ишлаш корхона жамоасига бошқариш системасида ҳам, технология жараёнида ҳам туб ўзгаришлар қилишда ёрдам берди. Бевосита шартномалар асосида ишлаш «Ўзбекхиммаш»га барқарор даромад келтирмоқда, бу даромад ишлаб чиқаришни янгилашга йўлланмоқда, ижтимоий-маданий-маиший жамғармани тўлдирмоқда.

### ХОТИРА УЧУН — ТОШДАГИ ДОСТОН

«Меъморчилик ҳам жаҳон солномасидир: у қўшиқлар ҳам, афсоналар ҳам сукут сақлаганда тилга киради...». Тош ҳайкалтарошлигига бағишлаб қўҳна Бухорода ўтказилган халқаро симпозиум Гоголнинг ана шу ҳикматли сўзлари билан якунланди. Анжуманни СССР ва Ўзбекистон ССР Рассомлар уюшмалари, Бухоро шаҳар ижроия комитети уюштирди.

Қўҳна ёдгорликларга бой ўлка меҳмонларнинг сахийлик билан қилган туҳфалари — қимматбаҳо Нурота мармаридан ишланган бадиий композицияларни миннатдорчилик билан қабул қилди. Тошда акс эттирилган ўзига хос достонлар: муқаддас туйғулар — муҳаббат, оналик, дўстлик, бахтни улуғловчи асарлар шаҳарга эсдалик учун қолдирилди. Бу одатдан ташқари дастхатлар Франция ҳайкалтарош усталари К. Жозефга, Р. Лоранга, венгриялик Б. Илдикога, россиялик И. Новиков ва Е. Лелеченколарга тегишлидир. Меҳмонлар билан бир қаторда ўзбекистонликлар гуруҳи ҳам ишлади. Булар тошкентлик Т. Тожихўжаев, Н. Карлихонов, С. Шарипов, М. Гасимов, бухоролик К. Норхўрозов, Ҳ. Зоиров, У. Ўроқовлардир. Ҳайкалларнинг бир қисми кўҳна шаҳар кўчалари ва майдонлари ҳуснига ҳусн қўшади. Қолганлари эса ҳиндистонлик қурувчилар бунёд этаётган кўп қаватли меҳмонхона ансамблига киради. Дарвоқе, Ҳиндистоннинг «ТАТА» фирмаси тугалланган симпозиумнинг мутасаддиси бўлди.

— Икки ой сезилмай ўтиб кетди ва бу вақт мусаввирларнинг Бухоро марказини реконструкция қилишга ҳисса қўшиш учун жўшқин истаги билан тўла бўлди, — дейди шаҳар бош меъморининг ўринбосари, ишлар раҳбари Р. Ҳикматов. — Бу турли рассомчилик мактаблари усталарининг биргаликдаги ижодий жараёни бўлди. У ўзаро ижодий бойитиш ва мулоқот қувончини олиб келди.

### ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАР ЁРДАМИ

Ширин шаҳри мактаблари ҳузуридаги болалар соғломлаштириш майдончалари 500 кичкинтойни, яъни ўтган йиллардагига нисбатан юз нафар кўп болани қабул қилди. Бунда мавсумга тайёргарлик кўришда фаол иштирок этган оталиқ ташкилотлар ёрдам берди. СССР 50 йиллиги номли Сирдарё регионал электр станциясининг ҳамда 67-моторсозлик отряди жамоалари лагерь учун ажратилган биноларни ўз кучлари билан таъмирладилар, қўшимча қурилмалар сотиб олиш учун маблағ ажратдилар.

(ЎзТАГ).

## Хориждан хабарлар

⊙ ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси (НАСА) фаолиятини текшириш учун мустақил мутахассислардан иборат махсус комиссия тузиш имкониятини ўрганиб чиқмоқда. ЮПИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, Вашингтон маъмурияти вакиллари бундай комиссия тузиш заруратини кейинги ойларда НАСА бир қанча катта муваффақиятсизликларга учрагани билан изоҳламоқдалар.

Ўтган ойда космик идора орбитага чиқарилган 1,5 миллиард доллар турадиган «Хаббл» космик телескопи «шапкўр» эканини ва унинг асосий кўзгусини тайёрлашда арзимас хатога йўл қўйилгани туфайли ўз вазифасини бажара олмаслигини тан олди. Ёқилғи системасидан портлаши мумкин бўлган водород оқиб кетганлиги муносабати билан бир йўла иккита кўп марта фойдаланиладиган космик кема учириш майдончаларидан қайтарилган эди. Инженерлар ёқилғи оқиб кетган жойни ҳалигача аниқ белгилай олишмаяпти, натижада «Шаттл»ларни учириш режаси бу йили амалда барбод бўлди.

⊙ ИСКАНДАРИЯ. Миср ва Сурия президентлари Искандарияда музокараларнинг учинчи босқичини ўтказдилар. Ҳусни Муборак билан Ҳафиз Асад икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш йўлларини, Фаластин муаммосини ҳамда яҳудийларнинг оммавий равишда Исроилга кўчиб бориши масаласини муҳокама қилдилар.

Икки давлат раҳбарлари Сурия билан Ироқ ўртасидаги можаро, Фаластин Озодлик Ташкилоти билан Сурия ўртасидаги қарама-қаршиликлар каби масалаларга, шунингдек Эрон билан Ироқ ўртасида уруш бўлганида Эронда асирликда қолган Миср фуқароларини озод қилиш имкониятларига эътиборни қаратдилар, деб хабар қилди Сурия расмий вакили.

⊙ ДАМАШҚ. Бугун Исроилда жума куни йўқолган ҳарбий самолётни ва унинг учувчисини излаш давом эттирилди. Воқеа хусусида бир кеча-кундуздан кейин эълон қилинган расмий фаразга кўра, ҳарбий ҳаво кучларининг исми аниқ айтилмаган запасдаги 33 ёшли капитани ҳодиса юз берган куни ўз ҳарбий бурчини адо этиб, осмонда соқчилик қилиш тўғрисида буйруқ берилишини кутаётган эди. Тегишли кўрсатма олмаганидан кейин у машинада рухсатсиз осмонга кўтарилиб, номаълум йўналишда учиб кетган.

Ғарбий Германияда ишлаб чиқарилган икки моторли чоғроқ Дорнер-28 самолёти Исроил бутун тарихида миллий ҳарбий-ҳаво кучларидаги дастлабки шундай йўқотиш бўлди. Миллий ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳозир самолёт денгизга қулаб тушган ва чўкиб кетган деб тахмин қилмоқда.

⊙ ИСЛОМОБОД. Покистон жанубидаги Синд вилоятида якшанба куни бир неча марта кучли портлаш бўлди. Вилоятдаги энг катта шаҳар бўлган Ҳайдарободнинг савдо марказида бешта бомба ўрнатилган экан. Уларнинг барчаси кундузги энг гавжум соатларда портлади ва бунинг натижасида, ахборот агентликларининг хабар қилишича, 25 киши ҳалок бўлди ҳамда юздан зиёд одам турли даражада жароҳатланди. Полиция вакилларининг таъкидлашича, мазкур қўпорувчилик ҳаракатини ким қилганлиги ҳозирча номаълум. Синдда вилоятнинг туб аҳолиси бўлган синдхлар билан Ҳиндистондан кўчиб келган муҳожирлар ўртасида бир неча йилдан буён давом этаётган миллий можарода қарама-қарши курашаётган томонлардан бири портловчи қурилмаларни ўрнатган, деган тахминлар билдирилмоқда.

Ўша куни кейинроқ Ҳайдарободдан Лахорга кетаётган пассажир поезди вагонларидан бирида кучли бомба портлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, 12 киши ҳалок бўлган, 25 киши яраланган.

⊙ АДДИС-АБЕБА. Университетда олинган билимлар Эфиопия олдида турган мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлида қўлланилганидагина наф келтиради. Жумҳурият вице-президенти Фиссеха Деста пойтахт университети битирувчилари ҳузурида сўзга чиқиб, шундай деб уқтирди. Шу куни 2808 нафар студент олий ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом олди.

Кейинги йилларда Эфиопиянинг қолоқлигини тугатишда муваффақиятларга эришилганига қарамай, бу соҳадаги ривожланиш давлат яхлитлигига путур етказишга уринаётган душманлар вужудга келтираётган қийинчиликлар туфайли ҳануз кўнгилдагидек эмас, деб таъкидлади вице-президент. Мамлакатдаги ҳозирги ташвишли вазият оппозицион гуруҳлар фаолияти натижасидир. Улар Эфиопиянинг ривожланишига тўсқинлик қилибгина қолмай, шу билан бирга унинг яхлитлигига жиддий хавф солишмоқда. Ажрамачи тузилмалар айни вақтда руҳий урушни бошлаб юбордилар. Вужудга келган вазият жумҳурият олдида турган муаммоларни бартараф этиш учун барча фуқароларнинг куч-ғайратларини талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам Эфиопия ёш мутахассислардан жамиятни ривожлантиришга, тинчликка ва тараққиётга катта ҳисса қўшишларини кутмоқда, деб таъкидлади Фиссеха Деста.

(ТАСС).



**Бир-бирига сув томчиларидек ўхшаб кетадиган мана бу уч опа-сингил — София, Мария ва Лидия Лейпциг университетининг гинекология шифохонасида дунёга келишди. Мазкур тиббиёт муассасаси ўзига хос бўлиб, муддатидан олдин туғилган болаларни қабул қилиб олишга ихтисослашган. Эгизак фарзанд кўриши кутилаётган оналар ҳомиланинг 26-ҳафтасидан бошлаб, парваришлаш ва кузатиш учун шу ерга ётқизилади.**

**АДН — ТАСС сурати.**

